

# Ishonch

2019 йил 31 октябрь • пайшанба • № 132 (4261)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалда давлатимиз раҳбари қардош Туркменистон халқига жорий йил 10-11 октябрь кунлари Ашхобода ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистоннинг МДҲдаги раислиги муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор табрикланди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар нуктаи назардан халқаро ва минтақавий аҳамиятга мولىк долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги вақт синови-дан ўтган мустақкам дўстлик

ва яхши қўшничилик ришталари, аввало, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақкам асос бўлаётгани қайд этилди.

Томонлар ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви бундан буён ҳам фаол кенгайтиришга тайёрлигини билдирдилар.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиёти ва раванки йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустақкамлаш борасида қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА



## Бўлғуси педагоглар маскани

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Шаҳрисабз филиали Президентимиз ташаббуси билан ҳудуддаги педагогларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, жорий ўқув йили бошида ташкил этилган.

Айни пайтда бу ерда 234 нафар талаба бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, мактабгача таълим, хорижий тиллар ва адабиёт (инглиз тили), ўзбек тили ва адабиёти (бошқа тили гуруҳларда – рус тили ва адабиёти) каби 4 йўналишда бакалаврият босқичида таҳсил олмоқда. Университет ихтиёрига ҚарДУ қошидаги

Шаҳрисабз академик лицейининг бино ва иншоотлари берилган.

– Ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда олий маълумотли педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлиб, янги филиал ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида хизмат қилади, – дейди ўқитувчи Манзура Намозова. – Мана, 30 йилдирки, ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ бериб келаман. Ўйлайманки, бу ерда тайёрланаётган кадрлар мактабларда тилимизни ўқитиш сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Долзарб мавзу

Дунёда икки мингдан зиёд миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари билан барҳаёт ва эъзозли. Худди шу каби биз – ўзбеклар ҳам! Жаҳон халқлари орасида алоҳида ажралиб турадиган жиҳатларимиз – қадриятларимиз, миллий ўзгирлигимиз!

## Биз қачон тараққий этамиз?

ёхуд асрни қаритган савол

Японлар «кимоно»сини, хитойликлар «хан-фу»сини, корейлар «хонбок»ини, ҳиндлар «сарисини» кийиб, ўзгирлигини, миллийлигини бутун оламга кўз-кўз қилиб турган бир пайтда, биргина «рўмол машамшаси» билан «машхур» бўлишимизни қандай изоҳлаш мумкин?

Яқинда ижтимоий тармоқларда ҳокимлардан бирининг хотин-қизлар ўртасида кийиниш маданиятига риоя этилмаётгани хусусида билдирган мулоҳазалари эълон қилинди. Буни ўқиган чет элликлар қандай хаёлларга борганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир замоналар дунё тамаддунига бешик бўлган юртининг, алгоритм асосисини, медицина фани отаси, шеърят мулки султони, юлдузлар тоқига нарвон қўйган алломалар авлодларига нима бўлапти, дейишгандир эҳтимол?!

Хайриятки, қисқа фурсатда Президентимиз Шавкат Мирзиёев масалага ойдинлик киритди. Жорий йилнинг 9-21 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида катталар ўртасида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган спортчиларимизни тақдирлаш маросимида жаҳон чемпиони Мирзазиёев Мирзахалиловнинг онаси тимсолида миллий қадриятларимизнинг бебаҳо, безаволлиги юксак минбардан туриб эътироф этилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари «Қандай ярашади ўзбекона рўмоллар, қандай ярашади ўзбекона кийинишларимиз! Шу туришингиз муқаддас ўзбек онаси тимсоли, Меҳрли онамиз, сингилларимиз мана шундай юришига ҳеч қачон, ҳеч қачон қарши бўлмайди Ўзбекистонда», дея бахтиёр онахонга юзланди. Бу самимий сўзлар барча юртдошларимизни беҳад тўлқинлантириб юборди...

3

## Ифтихор

## Ватан байроғини баланд кўтариб...

Корея Халқ Демократик Республикасининг Пхеньян шаҳрида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Республика ихтисослашган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Қумушхон Файзуллаева вази 64 килограммгача бўлган ёшлар ўртасидаги бахсларда уч йўналишда олтин медаль соҳибасига айланди.

– Ғолиблик шохсупасидан Ватанимиз байроғининг энг юқорида хилпираб туришини кузатиш ҳар қандай спортчига чексиз фахр-ифтихор бағишлайди, – дейди икки карра янги жаҳон рекордини ўрнатишга

муваффақ бўлган Қумушхон Файзуллаева ҳаяжонини яширолмай. – Юртимизга ёруғ юз билан, мураббийларимнинг ишончини оқлаган ҳолда қайганим менга янада юксак марраларни забт этишда мадад бўлади.

17 ёшли Қумушхон даст кўтаришида 97 килограмм, силтаб кўтаришида эса 125 килограмм, икки кураш натижасига кўра 222 килограмм натижа билан қитъа чемпионлигини қўлга киритди. Бу натижа билан ўсмирлар ўртасида даст кўтаришда узига тегишли жаҳон рекордини такрорлаб, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича янги жаҳон рекордини ўрна-



тишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Республика ихтисослашган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси, захирадаги спортчи Муҳаммадқодир Тоштемиров эса 81 килограмм вазнда силтаб кўтаришда 186

килограмм, даст кўтаришда 156 килограмм, жами 342 килограмм оғирликни қайд этиб, 3 та олтин медаль соҳиб бўлди.

Осиё биринчилигида умумжамоа ҳисобида йигитларимиз иккинчи поғонага кўтарилган бўлса, қизларимиз кучли учликдан ўрин эгаллади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

## Блогерлар бурчаги

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда қайси мавзудаги бахсларни ўқиманг юрт ҳақида, бўлаётган ислохотлар, шукроналик ҳақида фикр билдирган одам борки, унга «тролл» деган тамга ёпиштирилмоқда.

## Ижтимоий тармоқларда: беқадр инсон, мазах бўлган қиёфа

«Танқид келажак меваси» деганларидек, келажакимиз мевасиз қолиб кетган эканки, бутун жуда катта-катта муаммолар қуршовидамыз. Уларни бартараф этиш учун яна 20 йиллар керак бўлади. Аммо бу дегани фақат танқидга зўр бериш, бўлаётган ислохотлардан бир йўла кўз юмиш дегани эмас.

4

## КРЕАТИВЛИК, ХОЛИСЛИК, ТАҲЛИЛ

халқ газетасининг ўзига хос белгиларидир



Ижодий мулоқотлар  
Таҳририят жамоасининг газетхонлар билан ижодий учрашувлар ўтказиши шартми? Бу учрашувлар тарафларга нима беради?

Аввало, ҳар қандай жамоа ўз ўқувчилари билан юз-ма-юз мулоқот қилишга маънан ҳақли бўлиши керак. Бунинг учун айтиш ва кўрсатишга арзигулик натижа талаб этилади. Таҳририятимиз ижодкорларининг муштарийлар билан ўтказиётган ижодий учрашувларидан кўзланган мақсад – ўқувчилар билан фикрлашиш, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини эшитиш, шу асосда келгусидаги режаларни белгилаб олишдан иборат. Ушбу ҳафтада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ана шундай ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

2

### КУН НАФАСИ

«2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

\*\*\*

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

\*\*\*

Президент «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонунни имзолади.

\*\*\*

«Ҳуқуқий ахборот» канали

\*\*\*

«Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

\*\*\*

«Ҳуқуқий ахборот» канали

\*\*\*

Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиси ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

\*\*\*

29 октябрдан бошлаб «Мискин – Нуқус – Бейнеу» йўналишида йўловчи поезд ҳаракати йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти

\*\*\*

31 октябрь – 7 ноябрь кунлари Малайзиянинг «Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти» ташаббуси билан Ўзбекистонда зиёрат туризми йўналишида «Naqshbandi Tourism Festival 2019» номи халқаро тадбир ўтказилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати

\*\*\*

Ўзбекистонда миллий анимацион қаҳрамонларни яратиш учун танлов эълон қилинди. Танлов жамғармаси 50 миллион сўмга тенг.

\*\*\*

3 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида «Samarkand Half Marathon» биринчи халқаро хайрия ярим марафони бўлиб ўтди.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида 10-11 ноябрь кунлари «Марказий Осиё ва Евроосиё: глобал тартибсизликларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ҳамкорлик» мавзусида «Валдай» Халқаро мунозара клубининг X Осиё конференцияси бўлиб ўтди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-музыка академик лицейи ташкил этилади.

\*\*\*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «INFOLIB UZBEKISTAN – 2019» VIII миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилмоқда.

\*\*\*

Юртимизда онкологик беморларга ёрдам кўрсатиш бўйича call-марказлар ташкил этилади.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

\*\*\*

Пойтахтимиздаги «Ўзксломарказ» миллий кўرғазмалар залида «INNOWEEK – 2019» инновацион ғоялар ҳафталиги бошланди.

\*\*\*

Хитойнинг Ухань шаҳрида ўтказилган VII Бутунжаҳон ҳарбий спорт ўйинларида мамлакатимиз ҳарбий спортчилари 8 тадан олтин ва кумуш, 6 та бронза – жами 22 та медаль билан юртимизга қайтиб келди.

\*\*\*

Умумий ўрта таълим мактабларида кузги таътил шу йилнинг 4 ноябрдан бошланиб, 10 ноябрь куни якунига етади.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати

Тошкент шаҳри

Муносабат

### Дахлдорлик ҳисси

«Чинобод» санаторийида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сиёсатшунос олим Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан!» мақоласи бўйича маънавий тадбир ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари она тилимизнинг буюклиги, миллий ғоя шаклланишида пойдевор вазифасини ўтагани алоҳида таъкидланди. Касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий бўлими мутахас-

сиси Маҳмуда Мурзаева мақолада бугунги кунимиз учун ўта долзарб жиҳатлар кўрсатиб берилганига алоҳида тўхталди.

**Абдувахоб ТОЖИЕВ**, «Чинобод» санаторийи Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

Жиззах вилояти

### Истардикки, мақола қўлланма шаклида чоп этилса...

Ҳурматли «Ishonch» газетаси таҳририяти жамоаси! 2019 йил 15 октябрда чоп этилган Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан!» мақоласи вилоят касаба уюшмалари фахрийлари кенгаши аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди ва вилоятдаги бошқа тармоқ фахрийлари кенгашларини ҳам ўз йўналишлари бўйича тарғиб қилишларини тавсия қилишга жазм этдик.

Муаллиф ютуғи шундаки, у ватан равнақи, миллат тарихи, юрт, халқнинг ривожини унинг бахтли келажак билан боғлиқ тушунча эканини теран ифодалаб бера олган.

Ҳар бир даврнинг долзарб вазифалари бўлди. Давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, муаллиф оила тарбияси, мактабгача таълим, ўрта таълим ва олий таълим тўғрисида батафсил тўхталган. Бундан яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозирда барча ешлар билан ўтказилаётган тадбирлар, уюштирилаётган суҳбатлар билан чегараланиб қолмай, азалий қадриятларимизни тарғиб этиш орқали вайронкор кучларга, ижтимоий тармоқларда чиқишлар қилаётган материалларга қарши курашилса, бу ишлар изчил олиб борилса, тарбиявий ишларнинг самарадорлиги янада ортади.

Шуни қайд этиш лозимки, қадимги Мовароуннаҳр, яъни ватанимиз ҳам диний, ҳам дунёвий имллар бешиги бўлган. Урта асрларда юртимизда илмфан ниҳоятда ривож топган бўлиб, улар бўйича тугал, мукамал кашфиётлар қилинган. Шундан кўриниб турибдики, ватанимиз том маънодаги буюк алломалар юртидир.

Тўрт фаслга эга, беҳисоб

Сурдарё вилояти

### Юракдан айтилган сўзлар

Ҳар кимга она қанчалик азиз ва муҳтарам бўлса, Ватан ҳам шунчалик ардоқли ва муқаддасдир. Онани эъзозлаган фарзанд Ватанни ардоқлайди, уни кўз қорачиғидек асрайди. «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан!» сарлавҳали мақолани ўқиб, бу икки сўз замиридаги бебаҳо мазмунни ҳис этасиз.

Мақолада миллатимиз тарихи ва бугунги теган ифода этилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар халқимизнинг эртанги порлоқ келажак учун муштаҳкам пойдевор эканлиги акс эттирилган. Халқимизнинг бой тарихий мероси қадрланиб, маданий ва маънавий ҳаёти, турмуш тарзи юксалаётганлиги, эришилган ютуқлар замирида меҳнаткаш халқимизнинг хоҳиш-иродаси, юксак ватанпарварлик туйғуси намён бўлаётгани ҳам ўз ифодасини топган.

Муаллиф ютуқларимиз билан бирга камчиликлари, шўролар давридан қолган иллатлар, оила, бола тарбияси, таълимдаги оқсоқлик,

ёшлар тарбияси, тилимиз, ёзувимизда кўзга ташланаётган муаммоларни рўй-рост айтган. Ҳар бир фикр юракдан, дилдан дард билан баён этилган.

Мақола жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. У миллат ва ватаннинг бугунги, келажак ва шавъни учун астойдил хизмат қилишга тайёр авлодни тарбиялаш, буюк аждодларимизга мос востис бўлишда ҳаммамизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Эргаш БҮРИЕВ**, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

41

Таъкидлаш жоизки, ушбу учрашувлар ниҳоятда қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Бунга тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ҳам аққол тасдиқлайди.

Учрашувларда «телевидение пайдо бўлганида энди босма нашрларга эҳтиёж қолмайди, улар ўз умрини ўтаб бўлди», деган қарашлар бўлганини, аммо даврнинг ўзи бу фикрлар нотўғрилигини исботлагани эътироф этилди. Шу маънода интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳам газеталарга бўлган эҳтиёжни йўқота олмайди. Зеро, учрашув иштирокчиларининг хулосалари қатъий: «Ishonch» каби халқчил газеталар бор экан, матбуот яшашда давом этади.



## КРЕАТИВЛИК, ХОЛИСЛИК, ТАҲЛИЛ

халқ газетасининг ўзига хос белгиларидир

**Абдукарим АҲМЕДОВ**, Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

«Ishonch» газетасида чоп этилган материаллар географияси кенгайиб бормоқда. Айниқса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раҳбарларининг чиқишларида долзарб масала ва муаммолар, бажарилши керак бўлган ишлар ҳақида сўз юритилмоқда. Эълон қилинаётган танқидий-таҳлилий мақолаларга мутасаддиларнинг жавоблари бериб борилаётгани газетанинг таъсирчанлиги ва нуфузини янада оширмоқда. Бугунги кунда турли интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар ахборот олиш ва тарқатиш учун қўлай майдонга айланган бор гап. Аммо газетанинг ўрни бўлакча. Халқимизда «унта бўйса, ўрни бошқа» деган нақл бор. Газета доимо халқ минбари бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.



**Айсанем БЕГИМОВА**, Ўзбекистон Экология партиясининг Қорақалпоғистон кенгаши ижроия қўмитаси раиси:

Қорақалпоғистонда экология билан боғлиқ муаммолар кўп. Уларнинг ечимини ҳақиқатда давлатимиз раҳбари халқаро нуфузли анжуманларда ҳам таъкидлаб келмоқда ва дунё ҳам-жамияти эътиборини бунга қаратмоқда. Биз газета саҳифаларида экология муаммолари, шунингдек, бу борада амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида таҳлилий мақолалар бериб борилишини истардик. Бу борада газета билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз.



**Улғабек ЖАЛМЕНОВ**, Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини муштарийлар севиб ўқишмоқда. Чунки газета саҳифаларида берилаётган мақолалар ҳаётлиги билан ўқувчилар эътиборини тортмоқда.

Газетада Оролбўйи ва Мўйноқ туманида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида мақолалар мунтазам чоп этиляпти. Воҳадаги экологик вазиятни ёритиб бораётган, долзарб муаммоларни кўтариб чиқаётган нашр ижодкорларидан бундан кейин ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган ранг-баранг мақолалар кутиб қоламиз.

**Даврон АЛЛАҚУЛИЕВ**, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» саҳифаларидаги ҳар бир мақолани танқидий нуқтаи назардан ўқийша ҳаракат қиламан. Ҳамкасбларимизнинг ютуқлари акс этган мақолаларни ўқиганимда, вилоятимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қияслайман, танқидий мақолаларни ўқиганимда ҳудудимизда қандай муаммолар борлиги ҳақида ўйлайман ва ўз-ўзимга бу муаммоларни ҳал қилишга касаба уюшмаларининг ўрни қандай бўлиши керак, дея савол бераман. Бу газетанинг доимий изланишида эканлигидан далолат беради.

**Абдурахим ЭРКАЕВ**, Қарши давлат университети профессори, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби:

Газетадаги кўпгина муаллифларни шахсан танимасам-да ёзган мақолалари сабаб ғойибона хурмат қиламан. Уларни ўзимга маслақдош, дўст деб биламан.



**Назокат АННАЕВА**, Урганч давлат университети катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори:

Касаба уюшмалари ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи катта кучдир. «Ishonch» газетаси ушбу мавзунинг эритаси асосий нашрлардан бири сифатида меҳнат муносабатларига доир муаммоларни янада чуқурроқ таҳлил қилиши керак. Масалан, иш ўринларини шараҳлаш борасидаги муаммолар нега ҳануз ечим топмайпти, айрим иш бериувчилар нега ҳодимлар ҳақ-хуқуқларини бузаётди, нима учун ҳодим иш қуролларини ўз ҳисобидан сола-тиб олишга мажбур бўляпти, иш бериувчилар меҳнат қонунчилигини нега яхши бил-майди, баъзи корхона ва ташкилотларда иш соатлари 8 соатдан кўп давом этаётганининг сабаби нимада, нима учун бир лавозимда ишлайдиган, бири вазифасига виждонан, иккинчиси совуққон ендашадиган икки ҳодим бир хил маош олиши керак, меҳнат ярмаркалари ўзини оқлаётгани, норасмий бандликни бартараф қилишга нималар монелик қилмоқда каби қатор саволлар жавоби ҳануз очик қолмоқда. Бу саволларга жавоб топишда айнан «Ishonch» ташаббускор бўлиши зарур.

**Гавҳаржон ИБДУЛЛАЕВА**, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари:

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан!» мақоласини ўқиб, Ватан ва ватанпарварлик ҳақида кўп ўйладим. Ватан жонимиз, иймонимиз, қалбимиздир. Миллатни, мамлакатни севадиган ёшларни тарбиялашда газеталарнинг ўрни катта. Ўзбекистон байроғи ҳўлпиратинда юраги ҳарпикадиган, мамлакат мадҳияси ян-рағанда томилари буртадиган инсон асл-ватанпарвардир. Халқимизга хос бағрикенглик,

**Абдуҳамид ҚҮЗИМУРОДОВ**, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон ва Қашқадарёда бўлиб ўтган учрашувлар халқимизнинг буюк сўз устаслари, улғу ижодкорлар Ибройим Юсуфов ҳамда Аҳамиятлик Ижодий учрашувлар аввалида улғу шоирлар халқали пойига гулчамбарлар қўйилиб, уларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Касаба уюшмалари фаоллари, маҳаллий журналистлар ва ижодкорлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган барча учрашувлар қатнашчиларда катта таассуротлар қолдирди.

«ISHONCH» мўхбирлари хабарлари асосида тайёрланди

якши кунда йўқлаш, ёмон кунда қўллаш Ватанга муҳаббатимизнинг бир кўринишидир. Мана шу ҳисларни шакллантиришда «Ishonch» газетасининг ҳам муносиби ҳиссаси бор.

**Дилбар БЕКЧАНОВА**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи:

Очигини айтиш керак, бугун ўзбек матбуоти ўзига хос синов даврини бошдан кечирмоқда. «Ishonch» газетаси креатив ёндашувлари билан ёндашувларини ўзига жалб қилиш баробарида босма нашрлар жамиятдаги ўрнини йўқотмаслигини ҳам исботламоқда. Биз вилоятимиздаги босма нашрлар нуфузини оширишда «Ishonch» тажрибасига таянаёмиз.

**Сафаргул БЕРДИЕВА**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси:

Газета саҳифаларида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тажрибалари чуқур таҳлил қилинган мақолаларни кўпроқ ўқишни истардик. Шу билан бирга, бугунги кунда энг долзарб аҳамият касб этаётган таълим ва тарбия масаласида тажрибали педагоглар билан суҳбатлар уюштирилса, фойдадан холи бўлмас эди. Қолаверса, ҳар ойда бирон мавзуда саволнома ўтказилиб, билдирилган фикрлар асосида экспертлар билан ҳамкорликда танқидий-таҳлилий мақолалар тайёрланиб, республика ҳукумати эътиборига ҳавола қилинса, айни муддао бўларди.

**Юсуф ШОИМОВ**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жарқўрган тумани кенгаши раиси:

Газетадаги мақолалар долзарблиги, ўқилишига ва мавзулар хилма-хиллиги билан кишининг диққатини тортади. Яқинда эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя амалда бўлсин» сарлавҳали мақолани зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда яхши фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ишчи-ҳодимлар 50 га яқин ижтимоий ҳимоя турларидан барҳаманд бўлиши мумкинлигини кўпчилигимиз газета саҳифалари орқали билиб олдик.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон ва Қашқадарёда бўлиб ўтган учрашувлар халқимизнинг буюк сўз устаслари, улғу ижодкорлар Ибройим Юсуфов ҳамда Аҳамиятлик Ижодий учрашувлар аввалида улғу шоирлар халқали пойига гулчамбарлар қўйилиб, уларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Касаба уюшмалари фаоллари, маҳаллий журналистлар ва ижодкорлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган барча учрашувлар қатнашчиларда катта таассуротлар қолдирди.

«ISHONCH» мўхбирлари хабарлари асосида тайёрланди

Таҳририят билан тўғридан-тўғри обунга бўлиб яхши натижа беришти. Газетанинг ҳар бир сони ўз вақтида етиб келтирилади. Кейинги пайтда ушбу нашрни сўрайдиганлар кўпайди. Бу эса газетани ўқишга танидан далолатдир.

**Ботир ИСЛОМОВ**, Агроекономика мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Касби тумани кенгаши раиси:

Газетада агроекономика мажмуи тармоғидаги долзарб молиявий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳам янада кўпроқ танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этилишини истайми. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳаси ишчилари тармоқ ходимлари ҳисобланади. Яқинда Касбидаги бир корхона касаба уюшмаларига жалб этмоқчи бўлди. Уни Фарғонадаги «Кўконтексти» корхонаси ҳам ўзига бошланғич ташкилот сифатида қабул қилиш тарафдори. Бунда «профкарта»нинг талаблари бузилмайдими? Касбилик пахтакорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўқонлик касабаму етакчиси ифода этадими?

Газета жамоасидан қишлоқ хўжалиги тармоғидаги шу каби долзарб масалаларни кўтариб чиқишни сўра эдик.

**Шерзод ЙҮЛДОШЕВ**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси:

Кўпчилик «Ishonch» халқ газетасига айланганини эътироф этмоқда. Бу муносиб баҳо. Нашрининг асосий ўқувчилари касаба уюшма фаоллари эканини ҳисобга олиб, ҳар сонда доимий равишда «Бошланғич ташкилотларда нима гап?» руҳини остида мақолалар бериб бориш мақсадга мувофиқ. Унда энг муносиб раислар фаолияти ёритилса, бу бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ҳам керакли минбар, ҳам тажриба алмашув мактаби вазифасини ўтаради. Бундан ташқари, газетада меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳам кенг ёритилиши зарур.

**Тўйчи ВАЛИЕВ**, Қарши давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси:

Мактабгача таълим ва ўрта таълим муаммолари, фидойи устозлар хизматини ўзда акс эттирадиган мақолалар янада кўпайишининг тарафдоримиз. Бундан ташқари, эл севган санъаткорлар ва машҳур олимлар билан суҳбатлар чоп этилса, айни муддао бўлар эди.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон ва Қашқадарёда бўлиб ўтган учрашувлар халқимизнинг буюк сўз устаслари, улғу ижодкорлар Ибройим Юсуфов ҳамда Аҳамиятлик Ижодий учрашувлар аввалида улғу шоирлар халқали пойига гулчамбарлар қўйилиб, уларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Касаба уюшмалари фаоллари, маҳаллий журналистлар ва ижодкорлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган барча учрашувлар қатнашчиларда катта таассуротлар қолдирди.

«ISHONCH» мўхбирлари хабарлари асосида тайёрланди

### «Бош вазир кубоги»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси «Fair play Jamoasi» номини қозониб ғолибга айланди. 1500 нафарга яқин ходимларни соғлом турмуш тарзига ошно тунтиртган, қизгин ва мurosасиз, энг муҳими, дўстона руҳда ўтган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**, «ISHONCH»

## Ҳалоллик эътирофи

вазир кубоги» мусобақасини уюштиришга қарор қилинган эди.

Шу муносабат билан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан спортнинг футбол (эркаклар) ҳамда волейбол (аёллар) тури бўйича «Бош вазир кубоги» мусобақалари ташкил этилди.

64 та жамоа қатнашган шиддатли ва мurosасиз футбол баҳсларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси фаол иштирок этди. Финалда «Ўзбектелеком» жамоасини кичик ҳисобда мағлуб этган Олий суд жамоаси «Бош вазир кубоги»га эга чиққан бўлса,



41 Утган йили бир қизнинг Ватан мадҳи ҳақида берилиб шеър айтган видеосини кимдир ижтимоий тармоқларда тарқатиб юборди. Бу эса ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан жуда салбий кутиб олинди. Қиз маддоҳдан олиб маддоҳга, «пахтачи»дан олиб «пахтачи»га айлантирилди. Унга отилган таъна тошлари, ҳақоратларни ўқиб капалагингиз учеди. Наҳотки, мана шу ҳақоратли гапларни гапирётганлар, унинг ҳатто онасини сўқатганларнинг опаси-синглиси, қизлари бўлмаса, деб ўйлаб қоласиз. Айни пайтда бу қизнинг сурати маддоҳлик ёки пахтакор деган тамга билан, афсуски, гифга айланган. Изоҳ ёзаётганлар кимнидир маддоҳликда айболомқчи бўлса, мана шу қизнинг видеосини ёки суратини кўяди. Бу бир инсонни очик-ойдин ҳақорат қилиш

ва охири қирқилган ҳолда, яъни контекстдан юлинган ҳолда берилмоқда. Ахир, айтилган фикрнинг муқаддима ва хулосаси бўлмасдан туриб қандай хулоса чиқариш мумкин? Бугунги ҳолатни кузатиб, назаримда, ҳамма бирор раҳбарнинг «қовун туширишни» пойлаб тургандек, қовун тушди, муқаддима олиб «пахтачи»га айлангандек таассурот қолади одамда. Бугун журналист ва блогерларга кўпчилик катта ишонч билдириб турибди. Улар тўғайли баъзи муаммолар барҳам топмоқда. Аммо, ҳаёт фақат ҳокимларни аёвсиз танқид қилиш билан яхшиланиб қолмайди. Биз, журналист-у блогерлар ўзбек сигментини ижтимоий тармоқларда бошқараётганимизни, уларда ижтимоий фикрни шакллантираётганимизни унутмаслигимиз керак. Масалан, айнан бирор масъул раҳбар ёки депутатнинг «қовун

боғлиқ бўлган каналларнинг фойдаланувчилари кўп. Аммо табиат, экология, болалар тарбияси, оилавий ҳаёт ҳақидаги каналлар аъзоларининг сони жуда кам. Айниқса, «Раҳмдил бўл» ёки «Оила ҳаёти» каби каналларнинг аъзолари 500 нафарга ҳам етмайди. Ваҳоланки, айнан шу мавзулар ҳаётимизнинг бир бўлаги эмасми ахир! Яқинда Туркияда Нодира Қодирова ўлими билан боғлиқ воқеалар ҳатто турк матбуотини ҳам бефарқ қолдирмади. Аммо бирор та блогернинг каналда, на матбуотда бу ҳақда ёзилди. Ёки 700 дан зиёд ҳимоясиз жониворлар учун етимхона очган Ирода Маткаримованинг қилаётган ишлари ҳам тренд мавзуга айланиши мумкин. Ҳаёт фақат сўконгич ҳолдан, бешафқат шифокордан, болани калтаклайдиган ўқитувчидан иборат эмас. Уларни бунёд қилаётган асосий омиллар

барларга отилди. Улар ҳақорат қилинди... Аммо нега «Қизил китоб»га киритилган жайронларни ўлдирадиган, кучукларнинг кўзини ўйиб оладиган даражада ваҳший бўлиб кетаётган одамлар ҳақида деярли муҳокамабоп мавзулар ёритилмайди?! Чунки халқ бундай мавзуларни муҳокама қилишга тайёр эмас. Уларни мана шундай мавзуларга қизиқтириш, ижтимоий фикрни шакллантириш бот-бот ёзавериш орқали амалга оширилади ва бунда журналист-у блогерларнинг ҳиссаси жуда катта. Менинг назаримда, бугун жамиятда келиб чиқаётган нохуш ҳолатларнинг омиллари, сабаблари ўрганилиши ўрнига инсон қиёфасига, инсон шахсига тош отиш, қоралаш, ҳақоратлаш авж олиб кетаётгандек ва биз, ўзимиз билмаган ҳолда халқни қарғишга, ҳақоратга, сўқилга, бирини шарманда қилишга мазаҳурак қилиб, қўяётгандекмиз. Гоҳида қўйилган мавзу унинг мазмун-моҳияти бир четда қолиб, объектнинг шахси, қиёфаси кулгу, ҳажв остига олиниши-ку жуда афсусланарли ҳол. Бир танишим «интернет одамни бир кунда машхур қилиши ёки бир кунда бор обрўсини тўкиб беқадр қилиши мумкин» деганди. Ростдан ҳам бугун инсон қиёфаси, шахс қиёфаси деган тушунчалар ўрнини беқадр инсон, мазаҳ бўлган қиёфа атамаси олгандек. Яъни масхарабоз феномени яратилаётгандек. Ҳокимлар-у масъул раҳбарларни ҳажв қаҳрамонига, мелларга айлантириб лаззат олишга ўргатгандекмиз. Ва шу орқали мамлакатнинг иқдосий аҳволи, кўпгина соҳаларда монополиянинг нега тугатилмаётгани, хусусий мулк дахлсизлиги таъминланмагани, мигрантлар сони кўпайса кўпаймоқдаки, озаймаётгани, тиббиёт ва таълим соҳасининг ҳамон оқсаётгани, қишлоқларда ҳаёт нега яхшиланмаётгани, электр, газ каби муаммолар барҳам топмаётгани каби масалалардан чалғитяпмиз. Яна табиатга зарар етказётганлар, ҳайвонларни бешафқат ўлдирётганлар, фарзандларига қўл кўтариб, уларни каналга отиб юборётганларнинг иши ҳам ўша масъул раҳбарларникидан кам эмас. Мен шу пайтгача бирор каналда аёлларнинг, боланинг оилада зўровонликка учраётгани ҳақида мавзуларнинг асосий мавзуга айланганини кўрмадим. Агар бу ҳоким ёки депутат томонидан амалга оширилса, тренд мавзуга айланиши шубҳасиз.

# Буржуйкалар «истеъфо»га кетади(ми?)

Пайариқдаги аксарият мактаблар қишни юрак ҳовучлаб қутиб олгани айти ҳақиқат. Чунки ишонган «буржуйка»лари тез-тез панд бериб турарди. Хўш, бу йилги мавсум тарраддуи қандай кечди? Ўқув даргоҳлари мавсумга шайми?

Тумандаги мактабларнинг аксариятида иситиш қозончалари эскириб қолган. Айниқса, 3-, 62-, 78-, 19-мактаблар ўтган аср ёдгорлиги бўлган буржуйка печлари билан иситилар эди, дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Пайариқ тумани кенгаши раиси Абдуҷабборхон Нарзуллаев. Мактабларнинг меъёр даражасида иситилмаслиги таълим сифатига таъсир қилиши ҳам бор гап. Шароитни яхшилаш бўйича кўп ҳаракат қилинди. Ниҳоят, бу йил муз жойидан кўчди.

Туманда ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимда секторлар фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ўқув муассасаларини мавсумга тайёрлашни ҳам ана шу замонани туйулма ўз назоратига олган. Секторлар мутасаддилари томонидан 37 та умумтаълим мактаблари иситиш қозончалари яроқсизлиги аниқланиб, улар тўлиқ янгиланди ва қиш мавсумида барқарор ишлашга шай қилиб қўйилди.

Шароити энг оғир саналган 3-умумтаълим мактабда бўлди. Минг нафар ўқувчи ўрнига эга таълим даргоҳида айти чоғда 751 нафар ёшлар ўқиётган экан. Уч қаватли мактаб биноси марказлашган иситиш тизимидан мосуво бўлгани боис буржуйкалар хизматидан фойдаланиб келинган. Эндилликда барисини бошидан бошлашга тўғри келаётди. Мактабда тизимни ишга тушириш каттагина сарф-ҳаражати талаб этиши шундоқ ҳам кўриниб турибди. Бу масъулиятли юмушни сектор раҳбари, туман прокурори ўз зиммасига олибди.

Мактабларнинг иситиш тизимини яратишни яқунлаш арафасида, дейди туман халқ таълими бўлими эксплуатация гуруҳи раҳбари Номоз Саидов. Бундан ташқари, 78-умумтаълим мактабда ҳам муаммоли вазият бор эди. У ҳам барҳам топилди. Сония Нурматова раҳбарлик қилаётган 78-умумтаълим мактаби узоқ йиллар давомида иситилмаган бебаҳра бўлган. Директор сазй-ҳаражати билан 5 йилдан буён буржуйкалар ёрдамида совуқдан сақланиб келинаётган экан. Мазкур таълим даргоҳи 2020 йил инвестицион дастурига киритилган. Унга орада бир қиш бор. Болажонлар аэли кунларни титраб-қақшаб ўтказишадими? Муаммога ечим топилади, дейди эксплуатация гуруҳи бошлиғи Номоз Саидов. Мактабнинг иситиш тизими тумандаги «Урол Равшанрв курувчи» ташкилоти томонидан амалга оширилади. Ишонч ҳосил қилиш учун қурилиш ташкилоти мутасаддилари билан боғланиди. Улар банкда тегишли маблағни ўз ҳисобларига расмийлаштириб, шу кеча-кундузда ишни жадал бошлаб, қисқа фурсатда ниҳоятга етказишларини билдиришди. Ишондик. Ҳар ҳолда, ёшларга шароит яратишда ёлғонга ўрин бўлмас керак. Асосий муаммо кўмир сифатида, дейди 78-умумтаълим мактаби раҳбари Сония Нурматова. Иситиш мавсумида мудом ушбу муаммога дуч келамиз. Бу йил ҳам етказиб берилаётган кўмирнинг тизимни ишга тушириш каттагина сарф-ҳаражати талаб этиши шундоқ ҳам кўриниб турибди. Қисқаси, Пайариқда секторлар раҳбарлари ҳаражати билан мактабларга «танда» қўйиб олган буржуйка печлар «истеъфо»га чиқмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

# Ижтимоий тармоқларда: беқадр инсон, мазаҳ бўлган қиёфа

эмасми? Жабранувчи мана шу одамларни бирма-бир судга бериши ҳам мумкин-ку! Бир сурат ортида бир инсон тақдири, унинг келажаги, қариндошларининг шаъни борлиги эса ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ. Бу қизни маддоҳ дея ҳатто лаянлаётганлар ўзлари инсофсизлик қилаётганини, инсонийликдан узоқлашиб кетаётганликларини билишармикан? Шеър айтиш асносида маддоҳлик қилаётганини англаб етмаган бу ҳамюртимизнинг ўша кунлари кўнглидан нималар ўтган экан? Энг ачинарлиси, бу унинг қалбида бир умр қора доғ бўлиб қолди!

Масъул раҳбарларнинг, яъни раҳбар элитасининг бирортаси қандайдир йиғилишда айтган фикри чاقин тезлигида интернетга тарқалиб кетмоқда. Айтилаётган фикрларнинг ичиди, албатта, халқнинг гашига тегадигани, ўйламай прогноз қилинганлари ҳам бор, лекин аксарият ҳолларда айтилган фикрнинг боши

тушди фикр»и омма ўртасида муҳокама қилинаётганда ундан ҳам муҳимроқ ва долзарброқ мавзунини кўтариб чиқсанг, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди. Чунки барча бирдек ўша тренд мавзу билан ўралашиб ётган бўлади. Баъзида канал аъзоларини кўпайтириш учун ҳам тренддаги мавзуга ҳар томонлама ёндашилади.

Бошқа мамлакатларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолиятини кузатсангиз, ўзгача манарага гувоҳ бўласиз. Уларда ҳам трендга чиққан мавзулар бўлади. Аммо блогерлар-у журналистлар ҳар бири ўз позициясида кетади. Ҳар хил мавзуларда ёзишади. Яъни уларда хилма-хиллик мавжуд. Шунда англадимки, одамларнинг сиёсий онги юксалиши, дунёқарашни кенгайтиши, баҳс-мунозараларда фаол ва холис бўлишида мавзунинг турличалиги жуда муҳим экан. Ўзбек сигментиди айнан ҳокимлар, айнан депутатлар, айнан талабалар билан

инсонийлик ва олижаноблик ҳам шу бугуннинг мавзуси. Одамнинг ҳаётига зарра ичи ачимаган шифокор ёшлиқда ҳайвонга муҳаббат қўймагандир? Масалан, Ирода Маткаримова меҳр кўрсатаётган 700 дан ортиқ кучук агресив эмас. Нега? Ирода уларнинг ҳар бири билан инсонга қилгани каби муомалада бўлади, бирортасини жеркиб ёки сўқмайди. Бу сўконгич раҳбарлар учун ўрнат эмасми? Яхши гап, яхши сўз билан ҳатто ҳайвоннинг ҳам кўнглига йўл топа олаётган Ирода каби инсонларни бугунги кун қаҳрамонига айлантиришимиз керак эмасми? Кучуклар етимхонасига яқинда мактаб болаларининг саёҳати уюштирилди. Шу сабаб ўқувчилар орасида илк бор ҳайвонга меҳр қўйганлар бор. Мана шуларни шов-шув қилиш ва халқни шундай мавзуларга қизиқтириш керак, менимча.

Яқинда итларни заҳарлаб ўлдириш билан боғлиқ воқеаларга жуда кўпчилик салбий муносабатини билдирди. Ўша вилоятнинг ҳокими, масъул раҳбарлари қораланди. Яъни тош фақат яна масъул раҳ-

барларга отилди. Улар ҳақорат қилинди... Аммо нега «Қизил китоб»га киритилган жайронларни ўлдирадиган, кучукларнинг кўзини ўйиб оладиган даражада ваҳший бўлиб кетаётган одамлар ҳақида деярли муҳокамабоп мавзулар ёритилмайди?! Чунки халқ бундай мавзуларни муҳокама қилишга тайёр эмас. Уларни мана шундай мавзуларга қизиқтириш, ижтимоий фикрни шакллантириш бот-бот ёзавериш орқали амалга оширилади ва бунда журналист-у блогерларнинг ҳиссаси жуда катта. Менинг назаримда, бугун жамиятда келиб чиқаётган нохуш ҳолатларнинг омиллари, сабаблари ўрганилиши ўрнига инсон қиёфасига, инсон шахсига тош отиш, қоралаш, ҳақоратлаш авж олиб кетаётгандек ва биз, ўзимиз билмаган ҳолда халқни қарғишга, ҳақоратга, сўқилга, бирини шарманда қилишга мазаҳурак қилиб, қўяётгандекмиз. Гоҳида қўйилган мавзу унинг мазмун-моҳияти бир четда қолиб, объектнинг шахси, қиёфаси кулгу, ҳажв остига олиниши-ку жуда афсусланарли ҳол. Бир танишим «интернет одамни бир кунда машхур қилиши ёки бир кунда бор обрўсини тўкиб беқадр қилиши мумкин» деганди. Ростдан ҳам бугун инсон қиёфаси, шахс қиёфаси деган тушунчалар ўрнини беқадр инсон, мазаҳ бўлган қиёфа атамаси олгандек. Яъни масхарабоз феномени яратилаётгандек. Ҳокимлар-у масъул раҳбарларни ҳажв қаҳрамонига, мелларга айлантириб лаззат олишга ўргатгандекмиз. Ва шу орқали мамлакатнинг иқдосий аҳволи, кўпгина соҳаларда монополиянинг нега тугатилмаётгани, хусусий мулк дахлсизлиги таъминланмагани, мигрантлар сони кўпайса кўпаймоқдаки, озаймаётгани, тиббиёт ва таълим соҳасининг ҳамон оқсаётгани, қишлоқларда ҳаёт нега яхшиланмаётгани, электр, газ каби муаммолар барҳам топмаётгани каби масалалардан чалғитяпмиз. Яна табиатга зарар етказётганлар, ҳайвонларни бешафқат ўлдирётганлар, фарзандларига қўл кўтариб, уларни каналга отиб юборётганларнинг иши ҳам ўша масъул раҳбарларникидан кам эмас. Мен шу пайтгача бирор каналда аёлларнинг, боланинг оилада зўровонликка учраётгани ҳақида мавзуларнинг асосий мавзуга айланганини кўрмадим. Агар бу ҳоким ёки депутат томонидан амалга оширилса, тренд мавзуга айланиши шубҳасиз.

Ижтимоий тармоқларни ўзимизга мослаштириб олдик. Энди бунинг биргина йўли мавзу хилма-хиллигига этибди, бир хил мавзуга ҳар бир блогер ёки ҳар бир газета, журнал ёки интернет нашрлари кетма-кет мурожаат қилишини теклаш лозим. Акс ҳолда, деворнинг нарётига бўлаётган ишлардан беҳабар қолишимиз, чалғишимиз, вақтни бой беришимиз ҳеч гап эмас...

Барно СУЛТОНОВА

Ўтган йили куз-қиш мавсумида исгазидан заҳарланиш ва ҳаво-газ аралашмаси чақнаши билан боғлиқ ҳодисалар оқибатида бир қанча инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Хўш, бунга нималар сабаб бўлди? Аҳолининг исгази ва унинг инсон организмга салбий таъсири, исгазидан заҳарланганда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам қоидаларини билмаслиги, энг муҳими, хавфсизлик талабларига риоя қилмаслик ана шундай аянчли вазиятларни келтириб чиқармоқда.

ИС ГАЗИ НИМА? Рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз, исгази (углерод оксиди) ер юзиди энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келувчи, табиатда энг кўп тарқалган заҳарловчи газлардан биридир. Қазиб олинадиган ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги исгазининг бош манбаи ҳисобланади. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслигидан пайдо бўлади. Нафас олинувчи ҳаво таркибида 0,1 фоиз исгазининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Исгази организмга тушганда қон таркибиди гемоглобин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини кесклайди. Бундай ҳолатда инсон ҳушини йўқотади.

ЗАҲАРЛАНИШНИНГ УМУМИЙ БЕЛГИЛАРИ Одамда уйку тортиш, бош айланиши, бош оғриғи, ҳушини йўқотиш, кўз одининг қоронғилашиши, эшитиш қобилиятининг пасай-

иши, терлаш, нафас олишнинг оғирлашиши, йўтал, юрак уришининг тезлашиши, қалтираш каби белгилар юзага келса, у исгазидан заҳарланган бўлади. Қандай ҳолатларда исгазидан заҳарланиш хавфи юқори бўлади? Шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган қорхоналар, автоуловлар тураргоҳлари, янги бўйланган ва шамоллатилмаган хоналар, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда, шунингдек, печка билан истиладиган уйлар, ҳаммомлар,

Умуман, мутахассиснинг кўрсатмасисиз қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини бузган ҳолатда ўзбошимчалик билан иситиш мосламаларнинг ўрнатилиши исгазидан заҳарланишга олиб келиши мумкин.

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА НИМАЛАР ТАҚИЛЛАНАДИ? Ўзбошимчалик билан уйни газлаштириш, газ асбоби ўрнини алмаштириш, уни янгилаш ва тузатиш; газ асбоблари ўрнатилган хоналар режа-

лондан иккитадан ортиқ қўйиш; баллонларни қизиқдан сақлайдиган тўсиқ ўрнатилган бўлса, баллон билан иситиш асбобининг оралиғи 0,5 метргача қисқартирилиши мумкин. Баллон билан тўсиқнинг ораси эса 10 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак; баллонлар билан ўт ёқиш эшигининг оралиғи 2 метрдан оз бўлмаслиги лозим; хонага ўрнатилган баллонлар алмаштириладиганда электр ёриткичларни ёқиб-ўчириш, очик оловдан, электр иситиш асбоблари ва иситиш печкаларидан фойдаланиш;

## Куз-қиш мавсумига тайёрмисиз?

# Эҳтиёт бўлинг: исгази!

дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш хавфи юқори бўлади. Бундан ташқари, савдо дўконларида сотилаётган, газда ишлайдиган ҳар хил турдаги газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳам заҳарланишга олиб келади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, хорижда ишлаб чиқарилган айрим газ ускуналарини ўрнатиш ва фойдаланишга доир техник паспорт – йўриқнома ўзбек тилига таржима қилинмаган. Бунинг оқибатида ундан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари билан танишиш имкони бўлмаслиги ёки бу турдаги иситиш воситаларининг мул्लाқ хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги ҳолатлари учраб туради. Шу боис газ ускуналарини сотиб олишда мазкур жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

сони ўзгартириш; дудбурон ва шамоллатиш тизимларини ўзгартириш; хавфсизлик ва сошлаш автоматикасини узиб қўйиш; мактабгача ёшдаги болалар, шунингдек, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланиши; газ ва газ асбобларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш; газ асбоблари ўрнатилган хонада ухлаш ва дам олиш;

НИМАЛАР МУМКИН ЭМАС? Бўш ва суолирилган газли баллонларни хона ҳамда ертўлаларда сақлаш; газлаштирилган хонага 50/55 литр сифимли баллондан биттадан ортиқ ёки 27 литрли бал-

лондан иккитадан ортиқ қўйиш; баллонларни қизиқдан сақлайдиган тўсиқ ўрнатилган бўлса, баллон билан иситиш асбобининг оралиғи 0,5 метргача қисқартирилиши мумкин. Баллон билан тўсиқнинг ораси эса 10 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак; баллонлар билан ўт ёқиш эшигининг оралиғи 2 метрдан оз бўлмаслиги лозим; хонага ўрнатилган баллонлар алмаштириладиганда электр ёриткичларни ёқиб-ўчириш, очик оловдан, электр иситиш асбоблари ва иситиш печкаларидан фойдаланиш;

баллонларни алмаштириш ишлари билан боғлиқ бўлган шахслар борлиғида баллонларни алмаштириш.

## БИРИНЧИ ЁРДАМ ҚАНДАЙ КўРСАТИЛАДИ?

Барча ҳолатдаги оғир заҳарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам қақриши зарур. Шифокор етиб келгунга қадар қуйидагиларни амалга ошириш керак: жабранувчининг зудлик билан газланган худуддан тоза ҳавога олиб чиқиш; қўл ва оёқларини кўтарилган ҳолатда ётқишиш; нафас олишига халақит берувчи барча нарсаларни йиғиштириш (туғмаларни ечиб, ёқани очиб, камарни бўшатиш ва бошқалар); ухлаб қолмаслигини назорат қилиш. (Юр-



гизли тақилланади); нафас олмаётган бўлса, унга тоза ҳавода ёки ҳавоси яхши айланадиган хонада сунғий нафас олдиришни бошлаш лозим; нашатир спиритини хидлатиш; ҳушига келган вақтида йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун қоралар кўриш; ҳолати яхши бўлса, иссиқ чой ёки қаҳва ичириш; кислород ёстиғи ёрдамида кислород бериш. «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдамга», «104» телефон рақами орқали газ таъминоти хизматига, «1050» телефон рақами орқали Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг Қўтқарув хизматига мурожаат қилишни ёзда тутиш зарур. Азиз юртдошлар! Табиий ва исгазидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмасидан чақнаш билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг олдини олишни унутманг. Бунинг учун газдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя этинг. Бу ҳаёт учун жуда муҳим. Аббор ХОЛИҚОВ, Қашқадарё вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходими

MASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Xusan ERMATOV. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro k'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Xududlardagi muxbirlar: Qoraqalpogiston, Respublikasi (+998-99) 889-90-22, Andijon (+998-99) 889-90-23, Buxoro (+998-99) 889-90-31, Jizzax (+998-99) 889-90-34, Namangan (+998-99) 889-98-02, Navoiy (+998-99) 889-90-28, Toshkent (+998-99) 889-90-25, Samarqand (+998-99) 889-90-26, Sirdard (+998-99) 889-98-55, Surxondar (+998-99) 889-90-32, Fargona (+998-99) 889-90-24, Xorazm (+998-99) 889-98-01, Qashqadary (+998-99) 889-90-27. Nавбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Мустахик: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов. Ўза яқини - 0110. Топширилди - 0230. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буортма Г-1017. 27692 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5